

## БҮЮК МУСАВВИР - КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД



**Турдалиев Алижон**  
*ҚДПИ профессори, пфн., Турон ФА академиги,  
Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси,*

**Аннотация.** Мазкур мақолада улуғ мусаввирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида энг қисқа маълумот берилган. Бу маълумотлар Камолиддин Беҳзод ким ва унинг жаҳон тамаддунидаги ўрни ва тарихий аҳамияти қандай?, деган саволга лўнда жавоб беради деб ўйлаймиз.

Шарқ тасвирий санъатининг йирик намоёндаси, мўйқалами ning сехри билан нафосат оламига нур бахшида этган буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод 1455 или Ҳиротда косиб-хунарманд оиласида дунёга келган. У отаонасидан жуда эрта ажralади, уни Мирак Наққош ўз тарбиясига олиб, вояга етказди ва ўзининг Ҳиротдаги “Нигористон”ида (яъни ўша даврдаги Санъат академияси) унга наққошлик ҳунарини ўргатди. Бундай машҳур рассомнинг қарамоғида ўсиб улғайишнинг ўзи Беҳзоднинг келажақда буюк санъаткор бўлиб етиши-шига замин яратди. Шунингдек, Беҳзоднинг моҳир санъаткор бўлиб етишуви-да ўша даврда Ҳирот муҳитидаги бир талай етук рассомлар, ҳаттотлар, мусиқа шуносларни бирлаштириб турган Санъат академияси ҳам катта роль ўйнаган.

Буюк рассом шарқ алломалари Шарофиддин Али Яздий, Абдураҳмон Жомий, Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий, Низомий Ганжавий каби мутафаккирларнинг асарларини тасвир орқали янада жонлантириди, тарғиб этди.

Камолиддин Беҳзод томонидан яратилган XV асрнинг 80- йилларига мансуб Алишер Навоий билан Султон Ҳусайннинг мадрасадаги қиёфалари





акс эттирилган миниатюралар “Мураққа”, яъни тасвирий санъат альбомларидаги миниатюралар эътиборга молик. Бу миниатюраларда табиат кўринишлари фонида устоз ва шогирдлар ўртасидаги самимий мулоқатлар акс эттирилгандир. Мазкур асарлар айни пайтда Санкт-Петербург шаҳридаги Сальтиков-Шчедрин номидаги кутубхонада сақланади.

Рассом портрет санъати борасида бебаҳо ютуқларни қўлга киритган. Жумладан, Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбонийхон, Абдураҳмон Жомий портрет асарлари орқали тенгсиз санъаткорлигини исботлаган. Ҳусусан, мусаввирнинг “Ҳусайн Бойқаро” портретида Ҳиротда Султон Ҳусайн Бойқаро шоҳларга хос қиёфада, салобат билан чўккалаб ўтирган ҳолда тасвирланган. Унинг кенг елкали гавдаси, қийик кўзи, япалоқ юзи, шоҳона либослари шундай ҳаққоний ва усталик билан ишланганки, гавда тузилиши-даги ўлчов нисбатлари, кийим-кечаклари ниҳоятда моҳирона тасвирланган. Суратнинг тагига “тасвири Султон Ҳусайн, Мирзо-Беҳзод”, ундан ҳам қуириқда “Ал- фақир Беҳзод” деган сўзлар ҳам ёзилган. Ҳозирги пайтда Швециянинг миллий галереясида сақлананаётган бу портретнинг асл нусҳаси швед санъатшунос олими Ф. Мартиннинг шахсий коллекциясидан жой олган. Ўз даврида бу портрет нафақат рассомни, ҳатто Ҳурросон подшоси Ҳусайн Бойқарони ҳам машҳур қилиб юборганди. Яна шундай диққатга сазовор портретлардан бири 1507 йилда яратилган Муҳаммад Шайбонийхон суратидар. Бу асарда тиззаларига икки қўлини таяган, чордона қуриб ўтирган мағрур холатда Шайбонийхоннинг салобатли образи гавдаланади. Бу асар АҚШдаги коллекционерлар қўлидадир.

Беҳзоднинг дастлабки ижоди Султон Ҳусайн Бойқаро саройида ва у ердаги жуда кўп шоир, олим, санъаткорларнинг ҳомийси Мир Алишер Навоий раҳнамолигида бошланади. У Алишер Навоийнинг устози Абдураҳмон Жомий, Ҳиротдаги хаттолар устози Султон Али Машҳадийлар билан ижодий алоқада бўлди. Санъат ва нафосатга иштиёқи кучли бўлган Беҳзод меҳнатсеварлиги, заҳматкашлиги туфайли Ҳиротда машҳур мўъжаз ранг-тасвир устаси бўлиб етишди. Шундан саройга сўнг подшо Султон Ҳусайн Бойқаро Беҳзодни ўз хузурига жалб қиласи ва унга маҳсус жой ажратиб, ижодий ишларига зарур шароитларни яратиб беради. 1487 йилда Камолид-дин Беҳзод подшонинг шахсий фармони билан Ҳиротдаги салтанат кутуб-хона-сининг бошлиғи этиб тайинланади. 1506 йилда Ҳусайн Бойқаро вафоти-дан сўнг таҳт Шайбонийхон қўлига ўтди. Шайбонийхон ҳам Беҳзод ижодига ҳурмат кўрсатиб, унга тегишли шароитлар яратиб беради. 1510 йилда Эрон Сафавийлар салтанати Шайбо-нийхонга қарши уруш очиб, уни енгади. Шайбонийхон жангда ҳалок





бўлади. Шоҳ Исмоил Сафавий 1512 йилда Ҳиротдаги бир неча истеъдодли санъаткор-ларни ўзи билан Ҳиротдан Табризга олиб кетади. Улар орасида Камолиддин Беҳзод ва унинг бир қатор шогирдлари ҳам бор эди. Бу ерда Беҳзод ўзининг шогирдлари билан мўъжаз рангтасвирнинг йирик мактабини яратди. 1514 йилда турк подшоси Эронга ҳужум қиласи. Уларнинг қўли баланд келишини билган Эрон шоҳи Исмоил Камолиддин Беҳзод ва машҳур хаттот Шоҳ Маҳмуд Нишопурийни турклар олиб кетиб қолишидан хавфсираб, уларни бир горга яшириб қўйишга фармон беради. 1522 йилда Шоҳ Исмоил Сафавий маҳсус фармон билан Беҳзодни Табриздаги салтанат кутуб хонасининг бошлиғи этиб тайинлайди. Беҳзод асарларининг кўп қисмини ўз она юрти - Ҳиротдан узоқда, яъни Табризда яратди. Эрондаги жангу жадаллар, алгов-далгов ва ур-йиқитлар, мусаввир-нинг қадрдон устозлари ва яқин дўстларидан узоқда яшаши унинг ҳаёти ва ижодига салбий таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам мусаввир “Туялар жангি” номли асарини яратганда унинг бир чеккасига “Қалами шикаста, номурод, фақир Беҳзод умри 70 дан ошганда ушбу ишга қўл урди”, - деб гам-андух билан имзо чеккан эди. Шунга қарамасдан, Беҳзод Эронда кечирган ғам-андух, ғурбат- азоблари олдида чекинмади. Нафосат ва гўзаллик оламига, табиат, жамият ва инсонга бўлган кучли муҳаббати уни мудом ижод сари етаклади. Беҳзод салкам бир аср ҳаёт кечирди.

Қози Аҳмаднинг маълумоларига кўра, Беҳзод ҳаётининг охирларида она шахри Ҳиротга қайтган ва шу ерда вафот этган. Мусаввирнинг қабри Кўхи Мухтор (Мурод тоги; Афғонистон худудида) нинг хушманзара жойида.

Унинг ҳаёти ва ижоди Шарқ халқлари, жумладан, Ўрта Осиё халқлари маданиятида муҳим аҳамият касб этади. У ўз ижоди давомида Султон Мухаммад, Қосим Али, Дарвиш Устод Муҳаммадий, Музаффар Али, Юсуф Мулла, Рустам Али, Шайхзода Хуросо-ний, Шоҳ Музаффар, Мирсаид Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, Абдулло каби кўплаб шогирдлар тайёрлади. Камолиддин Беҳзод ижоди Ҳирот, Табриз, Бухоро, Самарканд, Шероз, Исфаҳон, Истамбул, Ҳиндистон мўъжаз рангтасвир санъати мактаблари ривожига катта таъсир кўрсатди.

Камолиддин Беҳзод ижодини Шарқ ва Farbda бирдек юксак баҳолаганлар. Буюк тарихчи Хондамир “Ҳабиб-ус-суяр” номли асарида Камолиддин Беҳзод ҳақида шундай деб ёзган эди: “Камолиддин Беҳзод ажойиб ва гаройиб сувратларни зоҳир қилувчи, ҳунар нодирликларини бунёд этувчи, Моний каби суврат чизувчи мўйқаламли, олам мусаввирлари асарларини йўқقا чиқарувчи ва мисли йўқ бармоқлари билан бани одам ҳунармандлари тасвир-арини маҳв



қилувчидир..." Шайбонийхон, Восифий ва бошқалар, уни жонсиз нарса-тасвирга жон бағишлоғчи мўйқалам соҳиби" деб таърифлаганлар.

Беҳзоднинг ҳаёти ва ижоди таъсирида XV-XVI асрларда Ўрта Осиёда (Мовароуннаҳрда) тасвирий санъатда кескин бурилиш рўй берди. Олим ва санъаткорлар бу ҳодисани санъат тарихида "Уйгониш" (Ренессанс) даври деб атадилар.

Швед санъатшунос олими Ф.Мартин устод Камолиддин Беҳзоднинг Султон Ҳусайн Мирзо чорбоғидаги ижодхонасини қуидагича тасвирлайди: "Шарқ қуёши Беҳзод учун қурилган шинам ҳужрани нурга ғарқ этади. Бу ерда нақош пастдаккина қия курси (пюпитр) устида энгашиб ишларди. Курсининг тортма хоначаларида шоҳ асарлар яратиш учун зарур бўлган ҳамма нарса муҳайё. Тўғри, Беҳзод овруполик мусаввирларникидек кенг ва қулай устахона (студия)га эга бўлмаган. Унинг иш жойи оддийгина бир ҳужра бўлиб, оқ мармар деворлари моҳир шарқ ҳаттотлари томонидан қуръон калималари билан музайян этилган. Ҳужрада бўйра тўшалган. Ҳужра орқаси боғ, сокин сувли ҳовуз, ундан нарироқ- гуллар ва дараҳтлар. Шу муҳитда Беҳзод ўтириб, нозик мўйқалами билан сурат чизарди. Нозик мўйқаламни ундан илгари ҳам, кейин ҳам ҳеч бир мусаввир Беҳзодчалик ишлатишга муваффақ бўла олмаган."

Беҳзоднинг асарлари юксак қадрланиб, Ўзбекистондан ташқари, АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Россия, Эрон, Франция, Германия, Миср каби бир қатор мамлакатларнинг кутубхоналарида авайлаб сакланмоқда. Тошкентдаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтига Камолиддин Беҳзод номи берилган. Тошкентда Камолиддин Беҳзод ҳаёти ва ижодига бағишлиланган алоҳида музей ташкил этилган.

Биз бугун улуғ аждодларимиз қаторида машҳур мусаввиризмизнинг муборак номини шарафлайпмиз. У фақат биз учунгина эмас, балки бошқа ҳалқлар учун ҳам даҳо санъаткор сифатида ғоят қадрлидир. Чунки, Беҳзод ҳозирги пайтда барча мусаввирлар учун руҳий парвоз ва мумтоз миниатюра рангтасвири санъатининг юксак чўққиси -рамзига айланган.





Камолиддин Беҳзод. Султон Ҳусайн Бойқаро.  
XV аср охри - XVI аср бошлари.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Н. Норқулов, И. Низомиддинов. **Миниатюра тарихидан лавҳалар.**
2. Шарқ миниатюра мактаблари. Мақолалар тўплами. Тўпловчилар: Мадраимов А., Норматов Н. Т., Алабиёт ва санъат нашриёти. 1989 й.
3. Н. Ойдинов. **Ўзбекистон тасвирий санъатидан лавҳалар.** Ўқув қўлланма. Т., Ўқитувчи. 1997 й.

**4.Камолиддин Беҳзод ва Шарқ миниатюра санъати.** Камолиддин  
Беҳзод таваллудининг 545 йиллигига бағишиланади. Халқаро бадиий  
кўргазмаси . КАТАЛОГ. Тошкент, 2000.

